

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «ЯТТ NAZIRULLAYEV VANODIRJON VANTIYORJON O'G'LI» раҳбари Б.Назируллаев келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан Шахрихон тумани 15-ЎМИ раҳбари Р.Матбобоев келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздиқ.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги куйида келтирилаётган махсулотларини етказиб бериш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
1	Комплекты постельного белья	Комп	231	80000	18480000
	<b>Жами</b>				<b>18480000</b>

### 2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ булиши ҳамда сифат сертификатидан утказилган булиши лозим.

### 3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси Кушимча қиймат солигисиз **18 480 000 (ўн саккиз миллион тўрт юз саксон минг ) сўми** ташкил этади.

3.2. Хисоб китоб «Истеъмолчи» томонидан пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, тасдиқлангандан сўнг 5 банк иш кунида «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи»нинг хисоб рақамига утказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70% «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варақ фактуралари асосида маблаг 30 банк иш кунида утказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 5 банк иш кунини давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Буюртмачи» га етказиб беради.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган товар махсулот олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажмда узил-кесил хисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;
- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асосисиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;

- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча қамчиликлар 3-кун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;
- Баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

- уз буюртманомаси бўйича етказиб берилган товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бўлдан мустасно.

5.3. «Буюртмачи» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «Буюртмачи» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг буюртманомасида қўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада қўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир. бу ҳақда “Таъминотчи”нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан қаида 1-кун олдин ҳабардор қилади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилаётган товар махсулот сифати микдори “Таъминотчи” томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Таъминотчи” етказиб берилаётган товар махсулотнинг сифатини шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб қитоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи» га нотугри ҳисоб-қитоб қилинган сумманинг 20% микдорида пеня тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, асортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган товар махсулот қийматининг 20% микдорида пеня тулайди.

6.3. Товар махсулот етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи “Истеъмолчи”га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган товар махсулотнинг 20% микдорида пеня тулайди. Жаримадан ташқари “Таъминотчи” «Буюртмачи» га товар махсулот етказиб беролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тулайди.

6.4. Товар махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда “Таъминотчи” «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Етказиб берилган товар махсулот учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» “Таъминотчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% микдорида пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### 7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу қаби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурий бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол ҳабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қиккан тақдирда томонлар, қоидага қура, мустақил равишда улар судгача хал этиш чорларини қурадилар.

8.2. Томонлар қелишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муқожаат қилишга ҳақлидир.

8.3. Шартнома бузилиб узаро қелишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлар асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

#### 9. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати микдори ва суммаси тугрисидаги узғариш бўлса, олдиндан узаро қелишувга асосан узгартириш қиритилади.

9.2. Форс мижор ҳолатида шартнома бузилса, узаро қелишиб олинади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жихатидан тенг қучли ҳисобланади.

#### 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Ушбу шартнома ҳудудий қазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси “Таъминотчи” да сақланади иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

#### 11. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

ЯТТ NAZIRULLAYEV BAHODIRJON BAKTIYORJON O'G'LI

(етказиб берувчи номи)

«Буюртмачи»

Шаҳрихон туман 15-ЁМИ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон вилояти Шаҳрихон тумани

Ўзбекистон МФЙ

Х/р 20218000105569524001

Банк номи Андижон ш., “МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ

АНДИЖОН

ВИЛОЯТИ ФАЙЗОЛИ

МФҲ: 00078

ГҲП: 549252801

NAZIRULLAYEV

BAHODIRJON

BAKTIYORJON O'G'LI

JSHSHR

3011095739003

Раҳбар:

Б.Назируллаев

Манзил: Шаҳрихон туман Навруз МФЙ

х/р: 100021860032307092400075001

СТИР: 200292645

ОКОНХ

Ҳазначилик бўлинмаси номи.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Х/В: 23402000300100001010

Тошкент ш. ББХКМ

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Раҳбар:

Р.Матбобоев

Юрида! *А.А.А.* *А. Акромов*